

**“АТ “АЛОҚАБАНК” БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОН**
(янги таҳрирда)

Тошкент - 2017

- I. Умумий қоидалар**
- II. Бошқарувни тузиш тартиби**
- III. Бошқарувни роли**
- IV. Бошқарув Раиси**
- V. Бошқарувни мажбуриятлари**
- VI. Бошқарувни иш тартиби**
- VII. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» коллегиял ижро органи (кейинги ўринларда «Бошқарув» деб аталади)нинг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низоми ҳамда бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. БОШҚАРУВНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Банк Бошқарувини ташкил этиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, банк Кенгаши қарорига биноан амалга оширилади. Банк Кенгашининг қарорига биноан банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

2.2. Банк Бошқаруви ваколат доирасига банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат дирасига ёки банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

2.3. Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Раиси банк Кенгаши томонидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда тайинланади. Банк Бошқарувини бошқариш Бошқарув Раиси томонидан олиб борилади. Банк номидан Бошқарув Раиси билан шартномани банк Кенгаши Раиси имзолайди.

2.4. Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари банк Устави, бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан, ҳамда уларнинг ҳар бири билан банк бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Банк номидан шартномани Бошқарув Раиси имзолайди. Банкнинг Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва банк Кенгаши олдида банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилади.

2.5. Банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган меҳнат иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдори банк фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланади.

2.6. Банк Кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

2.7. Банк Кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, банк Уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

2.8. Банк Бошқаруви ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк Кенгаши Бошқарув Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

2.9. Банк Бошқаруви аъзолари ўз фаолияти давомида нотўғри қабул қилган қарор натижасида ёки ҳаракатсизлик натижасида кўрилган зарарга шахсан жавобгарлар.

2.10. Банк Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади, у банк номидан барча ҳужжатларни, ҳамда Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди. Банк Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ ишончномасиз банк номидан иш юритади.

2.11. Банк Бошқаруви фаолияти Бошқарув томонидан тасдиқланган регламент бўйича олиб борилади.

III. БОШҚАРУВНИНГ РОЛИ

3.1. Бошқарув банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар Умумий йигилиши қарорларини бажариш Бошқарув Раиси вазифасига киради.

3.2. Банк Бошқаруви етти нафар аъзодан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Бошқарув Раиси тақдимномаси асосида банк Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

3.3. Банк Бошқарувига:

а) Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер ва бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарлари;

б) банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

3.4. Бошқарув аъзоларига номзодлар жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсалар, ушбу тўғрисида банк Кенгашига маълумот берилиши лозим.

3.5. Бошқарув аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, банк Кенгаши, Бошқарувнинг қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

3.6. Бошқарув Раиси мазкур Низомга мувофиқ банк фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан банк Бошқаруви таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.7. Банк Бошқаруви:

а) банк фаолиятини ташкил этиш ва унга тезкор раҳбарликни амалга ошириш, банк Уставидаги мақсадлар ва вазифаларни бажарилишини таъминлаш;

б) банк мижозларига кўрсатилган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқиш ва белгилаш;

в) банк томонидан Марказий банк белгиланган иқтисодий нормативларга, Марказий банкда мажбурий заҳираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

г) банкнинг сармояси ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активларга қарши уларни классификация қилиш асосида заҳиралар яратилишини таъминлаш, зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активлари турларини кўпайтириш;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва халқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритилишини ташкил этиш;

е) банкнинг шуъба корхоналари, минтақавий филиаллар, туман филиаллари ва бошқа таркибий тузилмаларига раҳбарлик қилиш, улар фаолиятини барча

йўналишлар бўйича назорат қилиш, банк учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил қилиш;

ё) банк акциядорлари Умумий йиғилиши ва Кенгашининг қарорларини бажарилишини таъминлаш;

ж) банк акциядорлари ва Кенгашининг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш;

з) банк Кенгаши олдида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисобот бериш;

и) ўзининг ваколати доирасида, кадрларни танлаш, жой-жойга қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш, банк раҳбар ходимларини номзодларини тасдиқлаш учун банк Кенгашига қўйиш;

к) банк штат жадвали билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;

л) ўзининг ваколат доирасида банкнинг нормал фаолият кўрсатиши учун лозим бўлган мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш масаласини ҳал қилиш;

3.8. Банк Бошқаруви амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган, банк фаолиятига тегишли бошқа фаолиятларни ҳам олиб боради. Банк Бошқаруви ўз фаолияти бўйича акциядорлар Умумий йиғилишига ва банк Кенгашига ҳисобот беради.

3.9. Банк Бошқаруви банк Кенгашида кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг ташкилий бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, банк Бошқаруви ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади. Бошқарув банк фаолияти учун муҳим саналган ҳар қандай масалани Кенгаш муҳокамасига киритиши мумкин.

3.10. Банк Бошқаруви куйидаги ҳуқуқларга эга;

а) ўз ваколат доирасида банк ички меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш, банк таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, банкнинг барча филиаллари, таркибий тузилмалари ҳамда ходимлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар, буйруқлар чиқариш;

б) вазирликлар, идоралар, жамғармалар, жамоат ва тижорат ташкилотлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва уларнинг вакиллари билан чет эл банклари ва уларнинг вакиллари билан музокаралар юритиш;

в) банк томонидан ваколат доирасида кредит ажратиш, инвестициялар киритиш ёки жалб қилишга доир битимлар тузади;

г) банкка кредит қўмитаси, филиаллар кредит комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳлар таркибини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

д) банкка раҳбар ходимларни танлаш уларга ва бошқа банк ходимларига малака талаблари ўрнатиш, уларни жой-жойга қўйиш, рағбатлантириш ёки интизомий жазога тортиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

е) банкнинг заҳира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилиш;

3.11. Банк Бошқаруви Бошқарув аъзоларидан камида учдан икки қисми иштирок этса банк Бошқаруви қарор қабул қилишга ҳақлидир. Банк Бошқаруви қарорлари кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз тенг бўлган ҳолда Бошқарув Раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қабул қилинган қарорлардан норози бўлган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини банк Кенгашига маълум қилишлари мумкин.

IV. БОШҚАРУВ РАИСИ

4.1. Бошқарув Раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда банк Кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини банк Кенгашининг қарорига асосан банк номидан банк Кенгашининг Раиси бир йил муддатга тузади. Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

4.2. Бошқарув Раиси банк фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, акциядорлар Умумий йиғилиши ёки банк Кенгашининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

4.3. Бошқарув Раиси:

а) ўз ваколатлари доирасида банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;

б) банк фаолияти устидан назорат олиб боради, фойдали бўлган иқтисодий бошқариш методларини қўллайди, банк ишчи жамоасининг хохиши ва ташаббусини юзага чиқариш учун шароит яратиб беради;

в) ўзига берилган ваколат доирасида, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк мулки ва маблағини тасарруф этади, банк номидан шартномалар, мажбуриятлар ва ишончномаларга имзо чекади;

г) Ўзбекистон Республикасидаги тижорат ва давлат ташкилотларида ва бошқа давлатларда банк фаолияти масалалари бўйича вакилликни олиб боради;

д) банк номидан ишончномалар беради, шартномалар, мажбуриятлар ва битимларни имзолаш тартибини белгилайди;

е) банкнинг штат жадвалини тасдиқлайди ва унга ўзгартиришлар киритади, банк Бошқаруви аъзолари орасида мажбуриятлар тақсимлайди. Штат жадвали ва тузилган шартномалар асосида банкнинг мансабдор шахсларини тайинлайди ва ишдан бўшатади, ходимлар иш ҳақини белгилайди, ҳамда намунали ишлаган ходимларни тақдирлайди, меҳнат вазифаларини бузганлик учун интизомий жазолар қўллайди, банк ходимлари билан меҳнат шартномасини, қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ тузади;

ё) Бошқарув Раиси ўринбосарлари, тузилма раҳбарлари жавобгарлик меъёрини белгилайди;

ж) банк департаментлари, бошқармалари, бўлимлари ва бошқа тузилмалари низомларини тасдиқлайди;

4.4. Бошқарув Раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тузиладиган шартномада олдиндан келишиб олинади.

V. БОШҚАРУВНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банкнинг ҳар кунги фаолиятини бошқариш банк Бошқаруви томонидан амалга оширилиши лозим.

5.2. Бошқарув аъзолари ўз фаолиятлари давомида банк Кенгаши томонидан белгиланган амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва низомларига зид бўлмаган ҳамда ахлоқий тамойилларни бузмайдиган банк сиёсатига амал қилишлари лозим. Бундан ташқари Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан банк Бошқарувида банкни бошқаришда қуйидаги сиёсатларни ишлаб чиқиш мажбурияти юкланади. Жумладан:

а) актив ва пассивларни бошқариш сиёсати;

- б) бухгалтерия сиёсати;
- в) банк кредит сиёсати;
- г) кадрлар сиёсати;
- д) инвестиция сиёсати;
- е) дивиденд сиёсати;
- ж) эмиссия сиёсати ва бошқалар.

5.3. Банк Бошқаруви аъзолари банк акциядорлари ва Кенгашининг ишончли вакиллари бўлиб, банкнинг манфаатларини ва акциядорларнинг манфаатларини ўзларининг манфаатларидан юқори қўйишлари лозим.

VI. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

6.1. Банк Бошқарувининг мажлиси зарурий ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан банк Кенгаши ёки акциядорларнинг Умумий йиғилишида ҳал қилиш учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Банк Бошқарувининг фикри ҳақида банк Кенгашида ва акциядорларнинг Умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

6.2. Банк Бошқарувининг мажлисини Бошқарув Раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича Бошқарув аъзоси бўлган унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

6.3. Банк Бошқаруви котиби Бошқарув мажлислари баёнларини юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баёнларидан кўчирмалар:

а) мажбурий тартибда банк Кенгаши Раиси ва Тафтиш комиссияси раҳбарига;

б) бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат Бошқарув Раисининг рухсати бўйича;

в) амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга ҳам берилади.

VII. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Агар Бошқарув аъзоси банк томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган ҳолларда, аъзо қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

7.2. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

7.3. Бошқарув аъзолари банк мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак.

7.4. Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида банкка етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк Уставига мувофиқ банкка етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича банк олдида жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавоб бермайдилар.

7.5. Банк ёки банкнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор банкга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Бошқарув аъзоларига ёки банк Бошқарувининг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджидаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев